


**ORIENTAL JOURNAL OF TECHNOLOGY AND ENGINEERING**



The banner features the 'SUPPORT SCIENCE' logo on the left, the journal title 'ORIENTAL JOURNAL OF TECHNOLOGY AND ENGINEERING' in the center, and a journal cover thumbnail on the right. The cover includes the ISSN 2181-2837, Volume 2, 2022, and the DOI 10.37547/ojte. Below the journal title, the journal homepage URL is provided: <https://www.supportscience.uz/index.php/ojte>.

**IMPROVEMENT OF THE TECHNOLOGY OF LAYING RAILROAD TRACKS IN RAILWAY TRANSPORT**

**A.Y. Mamadaliev**

*PhD*

*Tashkent State Transport University*

*Tashkent, Uzbekistan*

**E.R. Dadamirzaev**

*Master's student*

*Tashkent State Transport University*

*Tashkent, Uzbekistan*

---

**ABOUT ARTICLE**

---

**Key words:** rails, rails, rafters (plet), reinforced concrete sleepers, modern devices.

**Received:** 25.04.22

**Accepted:** 27.04.22

**Published:** 29.04.22

**Abstract:** The purpose of the article is to ensure the rational use of available resources in the construction of railways, a gradual reduction in the cost of production and its cost through the introduction of energy-saving and resource-saving technologies, as well as to ensure safety requirements. functions are defined.

---

**ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА УЛОҚСИЗ ТЕМИР ЙЎЛ(ПЛЕТ)ЛАРНИ  
ЎТҚИЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ****А.Ю. Мамадалиев***PhD**Тошкент давлат транспорт университети**Тошкент, Ўзбекистон***Э.Р. Дадамирзаев***Магистратура талабаси**Тошкент давлат транспорт университети**Тошкент, Ўзбекистон*

---

**МАҚОЛА ҲАҚИДА**

---

**Калит сўзлар:** рельс, темир йўллар, улоқсиз темир йўл(плет)лари, темир бетон шпалалар, замонавий курилмалар.

**Аннотация:** Мақолада улоқсиз темир йўлларни ўтқизишда мавжуд ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган, энергия тежамкор ва ресурс тежамкор технологияларни жорий қилиш йўли билан ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг таннархини изчил равишда пасайтириб боришга, шу билан бирга техника хавфсизлиги талабларини таъминлашга катта эътибор қаратиш юзасидан олиб бориладиган илмий тадқиқот иши мақсад ва вазифалари белгиланади.

---

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ УКЛАДКИ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНЫХ  
ПУТЕЙ НА ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОМ ТРАНСПОРТЕ****А.Ю. Мамадалиев***PhD**Ташкентский государственный транспортный университет**Ташкент, Узбекистан***Э.Р. Дадамирзаев***Магистрант**Ташкентский государственный транспортный университет**Ташкент, Узбекистан*

---

**О СТАТЬЕ**

---

**Ключевые слова:** рельсы, рельсы, стропила (плет), железобетонные шпалы, современные приспособления.

**Аннотация:** Цель статьи - обеспечить рациональное использование имеющихся ресурсов при строительстве железных дорог, поэтапное снижение себестоимости продукции и ее себестоимости за счет внедрения энергосберегающих и ресурсосберегающих технологий, а также обеспечить требования безопасности. определены функции.

---




## КИРИШ

Бугунги кунда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ўзининг техник базасини тизимли равишда илғор, замонавий темир йўл техникалари билан бойитиб келмоқда. Тортишнинг янги прогрессив (илғор) турлари кенг жорий этилиб, йўлларда ҳаракат тезлиги ортиб бормоқда. Бунинг натижасида мавжуд ички йўлларда ҳаракат зичлиги ошишиб бормоқда. Йўллардаги ҳаракат зичлигини ошиши ўз навбатида янги темир йўл линияларини қуришга, мавжудларини эса реконструкция ёки модернизация қилишга кенг қўламда имкониятлар яратмоқда.

## АСОСИЙ ҚИСМ

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ йўл хўжалинининг катта узунликдаги рельс плетли улоқсиз йўл конструкциясига ўтиши техник ва технологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бўлиб, ана шу муаммолар ҳал қилиб бориши билан босқичма-босқич амалга ошириб борилиши лозим.

Катта узунликдаги рельс плетли улоқсиз йўл конструкциясига ўтишнинг марказий технологик муаммоларидан бири рельс плетларини ётқизиш ёки едирилган (эскирган) плетларни янгилари билан алмаштириш муаммосидир. Анъанавий равишда янги темир йўлларни қуришда ва йўлнинг юқори қурилмасини капитал таъмирлашда анъанавий тарзда йўлга дастлаб 25 м узунликдаги инвентар рельслар ётқизилади. Шундан сўнг эса инвентар рельслар улоқсиз йўл рельс плетлари билан алмаштирилади.



1-расм. Улоқсиз

темир

йўл(плет)ларини ётқизиш жараёни

Катта узунликдаги плетларга ўтишда қуйидагиларни таъминлаш талаб этилади:

Поездларнинг ҳаракатланиш графигида инвентар рельсларни катта узунликдаги улоқсиз рельс плетлари билан алмаштиришга мўлжалланган «дарчалар» («окнолар») давомийлигини имкон қадар қисқартириш;

Плетни маҳкамлаш режими, унда унинг бутун узунлиги бўйлаб бўйлама ҳарорат кучларининг оптимал даражаси ўрнатилади (бутун плетнинг амалдаги меъёрларда белгиланган бир хил оптимал ҳароратда маҳкамланиши таъминланиши шарт);

Қўл меҳнати улушини максимал даражада камайтириш, чунки плетларни маҳкамлаш ишлари йилнинг энг иссиқ даврида амалга оширилади;

Ишларнинг механизацияланганлик даражасини имкон қадар ошириш, бу ишларнинг юқори сифатини ва уларни бажаришга қилинадиган сарф-ҳаражатлар камайтирилишини таъминлайди;

рельслар ва деталей оралиқ рельслар маҳкамлагич деталларининг шикастланиши ва деформацияланишига йўл қўймаслик.

Йўл иншоотларини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи темир йўлни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишнинг ресурсни тежовчи илғор технологиялари, юқори маҳсулдорликдаги йўл машиналари, улоқсиз йўлни ўз ичига олган самарали йўл конструкцияларини жорий этишнинг тобора ортиб бораётгани билан тавсифланади.

Улоқсиз йўлнинг нормал ишлашини ва ундаги поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш улоқсиз йўлнинг плетлари(рельс)ни ётқизишдан бошланади. Улоқсиз йўлнинг мавжуд дизайни, уни ётқизиш ва ишлатиш усуллари унинг самарадорлигини янада ошириш учун ҳали ҳам кўп жиҳатдан такомиллаштирилиши мумкин.

### ХУЛОСА

Бугунги кунда улоқсиз темир йўл(плет)ларни ётқизиш технологиясини такомиллаштиришда мавжуд ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган, энергия тежамкор ва ресурс тежамкор технологияларни жорий қилиш йўли билан ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва уларнинг таннархини изчил равишда пасайтириб боришга, шу билан бирга техника хавфсизлиги талабларини таъминлашга юқори даражада катта эътибор қаратилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, изланувчи ўз олдига қуйидаги тадқиқот вазифаларини қўяди:

- рельс илгичларининг (захватларининг) муқобил (альтернатив) конструкцияси учун техник вазифа ишлаб чиқиш;
- рельс илгичларининг (захватларининг) муқобил (альтернатив) конструкцияси учун конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- рельс илгичлари (захватлари) синовлари дастури ва уларни ўтказиш услубиётини ишлаб чиқиш;

- роликли иккиталик (жуфт) рельс илгичининг (захватининг) тажриба намунасини тайёрлаш.
- роликли илгич (захват) ва роликли иккиталик (жуфт) илгични (захватни) эксплуатация қилиш учун йўриқноманинг биринчи таҳририни ишлаб чиқиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Новакович В.И. Бесстыковой путь со сверхдлинными рельсовыми плетями: Учебное пособие для вузов ж.-д. транспорта. – М.: Маршрут, 2005. – 144 с.
2. Крейнис З.Л., Селезнева Н.Е. Бесстыковой путь. Ч. 1. Как устроен и работает бесстыковой путь: Учебное пособие / Под ред. проф. З.Л. Крейниса. – М.: ГОУ «Учебно-методический центр по образованию на железнодорожном транспорте», 2009. – 84 с.
3. Бесстыковой путь / В.Г. Альбрехт, Е.М. Бромберг, Н.Б. Зверев, В.Я. Шульга, Н.С. Чирков. Под ред. В.Г. Альбрехта и Е.М. Бромберга. – М.: Транспорт, 1982. – 206 с.